

**ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ЁШЛАРНИНГ МАЬНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ  
ВА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

**Шералиев Жавоҳир Илҳом ўғли**

*Илмий тадқиқотчи Тошкент фармацевтика институти Фармация  
йўналиши 2-курс талабаси*

**Абдурахмонов Ҳасан Иброҳимович**

*Ilmiy Тошкент фармацевтика институти Ф.ф.б.ф.д.(PhD), доцент  
[hasanabdurahmonov1991@mail.ru](mailto:hasanabdurahmonov1991@mail.ru)  
+998998820791*

**MAQOLA  
MALUMOTI**

**ANNOTATSIYA:**

**MAQOLA TARIXI:**

*Received: 20.08.2024*

*Revised: 21.08.2024*

*Accepted: 22.08.2024*

Бугунги кунда ёшларнинг онгида революция содир этиши, уларнинг дунёқарашини инсонпарварлаштириш зарурлиги ҳақидаги муҳим қараашлар ёндошувлар Тимоти Лири, Роберт Уилсон, Станислав Гроф каби олимлар томонидан олдинга сурилмоқда. Бошқа бир гурӯҳ олимлар эса инсоният ўз дунёқарашини инсонпарварлаштиришга қодир эмас деган хуносага келмоқда. Чунки инсон дунёқараши ўзининг бутун тараққиёти мобайнида ахлоқий мезонлардан жуда узоқлашиб кетганини, мафкурага яширин хизмат қилишига мойиллигини (нобъективлигини) ва чекланганлигини (руҳият, гоявийликни инкор этишини) намоён этмоқда.

**KALIT SO'ZLAR:**

*Маънавий  
қадрияtlар  
инсоннинг ички  
дунёсига таъсир  
этувчи, унинг ҳаётга,  
жамиятга, атроф-  
муҳитга бўлган  
муносабатини  
шакллантиручи  
тамоиллар  
мажмуасидир.*

Бу қадрияtlар ёшлар ҳаётида шахсий идентификацияни аниқлаш, мақсадли ҳаёт кечириш, ижтимоий муносабатларда фаол бўлиш ва ватансеварлик руҳида тарбияланишда муҳим роль ўйнайди. Маънавий қадрияtlар нафакат шахсий, балки жамият миқёсида ҳам барқарорлик ва тараққиётнинг асоси ҳисобланади. Маънавий иммунитет — бу инсоннинг заарали ғояларга, ахлоқий бузилишга, ёт мафкураларга қарши туриш қобилиятидир. Бу иммунитетни ошириш учун ёшлар орасида танқидий фикрлашни ривожлантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, маданий тадбирларда фаол иштирок этиш, маънавий лидерлар билан мулоқот қилиш, оила ва таълим муассасаларида қадрияtlар асосида тарбия бериш зарур. Маънавий иммунитет кучли бўлган ёшлар ҳар қандай мафкуравий таҳдидларга қарши туришга, ўз миллий ва

умуминсоний қадриятларини ҳимоя қилишга қодир бўлади. Инсон ҳаётида учрайдиган дунёқараши юксалтириш билан боғлиқ масалаларнинг ўзига хос жихатлари қўйидагилар билан ажralиб туради: биринчидан бу дунёқараш билан боғлиқ масалалар шу даражада мураккаб ва чуқурки, уларга буюк ҳикмат эгалари неча асрлардан жавоб излаб келганлар ва ечимсиз муаммолар ҳалигача мавжуд; иккинчидан, дунёқараш билан боғлиқ масалалар бир индивид ҳаётига эмас, бутун инсониятга тааллуқлидир; учинчидан, агар дунёқараш билан боғлиқ саволларга тўғри ечим топилса, бошқа ҳар қандай савол ечимининг қалити топилган бўлади; тўртинчидан, шу саволларга ўзини қониқтирадиган жавоб топилмагунича оқил инсон ўзини чинакам баҳтли деб ҳис эта олмайди. Шундай масалаларни умумлаштириб, бир сўз билан дунёнинг моҳияти ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги ёки, қисқа қилиб, дунёнинг (шу жумладан инсон ички дунёсининг) моҳияти ҳақидаги масалалар ёки, яна ҳам қисқача: дунёқараш масалалари дейилади. Мазкур саволларга берилган жавобдан кишининг дунёқараши қандайлиги кўринади. Дунёқараш инсон маънавиятининг, унинг ички руҳий дунёсининг муҳим, зарурий қисмидир. Зеро, бу ҳаётда тирик мавжудотларнинг ҳеч бири ўз ҳаётининг маъно-моҳияти хусусида бош қотирмайди. Зеро, одам боласидан бўлак ҳеч қайси жонзот ўзининг жисмоний эҳтиёжларидан юқорироқ кўтарилган эмас. Юқоридаги саволларни умумлаштирасак, улар дунёнинг моҳияти ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги масалага айланади ва дунё деганимизда фақат ташқи дунёни эмас, балки ички, руҳий дунёни ҳам тушуниш керак. Оммавий маданиятнинг ёшлар онгига таъсири мураккаб ва икки томонлама. Бир томондан, у дунёқараши кенгайтиради, маданиятлараро мулоқотни ривожлантиради, ижодий фикрлашга туртки беради. Иккинчи томондан эса, юзаки қадриятларни тарғиб қиласди, материализм ва индивидуализмни кучайтиради, маҳаллий қадриятларни эътибордан четда қолдиради. Шу боис, ёшлар оммавий маданиятни танқидий фикр билан қабул қилишни, ҳар бир ахборотни таҳлил қилишни ўрганиши зарур. Миллий ғоя ва қадриятлар асосида тарбияланган ёшлар хорижий маданият таъсирига берилмасдан, ўз руҳий мустаҳкамлигини сақлаб қолади. Инсон ҳаётида учрайдиган дунёқараши юксалтириш билан боғлиқ масалаларнинг ўзига хос жихатлари қўйидагилар билан ажralиб туради: биринчидан, бу дунёқараш билан боғлиқ масалалар шу даражада мураккаб ва чуқурки, уларга буюк ҳикмат эгалари неча асрлардан буён жавоб излаб келганлар ва ечимсиз муаммолар ҳалигача мавжуд; иккинчидан, дунёқараш билан боғлиқ масалалар бир индивид ҳаётига эмас, бутун инсониятга тааллуқлидир; учинчидан, агар дунёқараш билан боғлиқ саволларга тўғри ечим топилса, бошқа ҳар қандай савол ечимининг қалити топилган бўлади; тўртинчидан, шу саволларга ўзини қониқтирадиган жавоб топилмагунича оқил инсон ўзини чинакам баҳтли деб ҳис эта олмайди. Шундай масалаларни умумлаштириб, бир сўз билан дунёнинг моҳияти ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги ёки қисқа қилиб, дунёнинг (шу жумладан инсон ички дунёсининг) моҳияти ҳақидаги масалалар

ёки яна ҳам қисқача: дунёқарааш масалалари дейилади. Мазкур саволларга берилган жавобдан кишининг дунёқараши қандайлиги кўринади. Дунёқарааш инсон маънавиятининг, унинг ички руҳий дунёсининг муҳим, зарурӣ қисмидир. Зеро, бу ҳаётда тирик мавжудотларнинг ҳеч бири ўз ҳаётининг маъно-моҳияти хусусида бош қотирмайди. Зеро, одам боласидан бўлак ҳеч қайси жонзот ўзининг жисмоний эҳтиёжларидан юқорироқ кўтарилиган эмас. Мамлакатимизда янги жамият барпо этишда унинг босқичма-босқич ривожланишини изчил, моддий ва маънавий салоҳиятини таъминлашга каратилган ислоҳотлар муҳим асос бўлиб хизмат қилмокда. Бундай кенг қамровли ижтимоий-маданий фаолиятда самарадорликка эришиш ҳар соҳада иш олиб бораётган мутахассисларнинг билимдонлиги. маънавий ва интеллектуал жиҳатдан янгиланишларга тайёрлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бирок, бугун жамият ижтимоий тараққиётининг янги даврига қадам қўйган шаротида бундай ижодий фаолият ҳар доим ҳам ижобий аҳамият касб этаётганлиги йўқ десак янгилишмаган бўламиз. Бугун инсониятнинг эҳтиёж ва талаблари ўзгармоқда, ундан чиқди инновацион тафаккурни юксалтиришга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Бу жараёндаги хавф шундаки, мавжуд ижтимоий парадигмалардан, янги ижтимоий қадриятларга ўтиш жараёни жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга лаёқатли таълим тизимини ташкил этишга зарурат сезади. Шунинг билан бир қаторда бугунги мураккаб жараёнлар оралиғи миллий қадриятларга асосланган ғоялар билан тўлдирилмас экан, унинг ўрнини ўзга маданиятлар билан тўлдиришга бўлган уриниш ортиб боради. Афсуски, жозибадор ва жимжимадор технологияларнинг манбаатдор маҳаллий хомийлари ҳам бисёр бўлади. Оқибатда жамиятда четдан кириб келган ҳар қандай матоҳни инновация сифатида қабул қилиш, уларга тақлид қилиш нағмаси ортиб боради. Бу ўз навбатида миллий ўзликини англашни хиралаштириб борувчи туйнукка қараб етаклайди. Шу билан бирга, умуминсоний қадриятлар ҳам ёшлар тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Улар бутун инсоният томонидан тан олинган ахлоқий, ҳукуқий ва маданий тамойиллар бўлиб, тинчлик, адолат, инсон ҳукуқлари, тенглик, меҳр-оқибат каби тушунчаларни ўз ичига олади. Алимухамедова Нодиранинг таъкидлашича, глобаллашув шароитида ёшлар хорижий маданият таъсирига берилмаслиги учун миллий ғоя ва қадриятлар мустаҳкам бўлиши лозим, аммо бу умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилиши керак. Умуминсоний қадриятлар ёшларни толерантлик, ҳамкорлик ва инсонийлик руҳида тарбиялайди, уларни глобал дунёда эркин фикрловчи ва очик мулоқотга тайёр шахс сифатида шакллантиради. Миллий ва умуминсоний қадриятлар ўртасида ги уйғунлик ёшлар тарбиясида энг самарали ёндашув ҳисобланади. Миллий қадриятлар ёшнинг шахсий идентификациясини шакллантирса, умуминсоний қадриятлар уни кенг дунёқарашли, мулоҳазали ва маданиятлараро мулоқотга тайёр шахсга айлантиради.

Хайитов З. ва Ахатова Д. ўз мақолаларида таъкидлаганларидек, модернизациялашув шароитида ёшларни касбий-ахлоқий ва маънавий тарбиялашда миллий қадриятлар асосий восита бўлиб хизмат қиласи, умуминсоний қадриятлар эса глобал дунё билан уйғуналашишда мухим роль ўйнайди. Хулоса қилиб айтганда, ёшлар тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғуналиги нафақат шахснинг маънавий камолоти, балки жамиятнинг барқарор ривожланиши учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Миллий қадриятлар ёшларга ўзликни англаш, тарихий меросга хурмат, ватанга садоқат ва миллий ғуур туйғуларини сингдиради. Бу қадриятлар асосида тарбияланган ёшлар ўз халқининг маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини қадрлайди, уларни сақлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшади. Шу билан бирга, умуминсоний қадриятлар ёшларни глобал дунёда эркин фикрловчи, мулоҳазали, толерант ва маданиятларро мулоқотга тайёр шахс сифатида шакллантиради. Улар инсон ҳуқуқлари, адолат, тинчлик, бағрикенглик каби умумий тамойилларни англайди ва уларга амал қилишга интилади. Бугунги кунда ахборот оқими, турли маданий таъсирлар ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар турли ғоя ва қарашларга дуч келмоқда. Шу шароитда уларнинг онгида мустаҳкам маънавий асосни шакллантириш, уларни мағкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғуналигидаги тарбия жуда мухим. Бу тарбия ёшларни нафақат билимли ва касбга эга, балки маънавий етуқ, жамиятда ўз ўрнини топа оладиган, масъулиятли ва фаол фуқаро сифатида камол топишини таъминлайди. Шунингдек, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғуналигидаги тарбия тизими ёшларда ижтимоий адолат туйғусини, инсонларга хурмат ва меҳр-оқибатни, атроф-мухитга эътиборни, жамиятдаги турли гурухлар билан ҳамкорлик қилиш қобилиятини ривожлантиради. Бундай тарбияланган ёшлар нафақат ўз юртида, балки халқаро майдонда ҳам муносиб фаолият кўрсатишга қодир бўлади. Нихоят, ёшлар тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғуналашириш – бу келажак авлодни жисмонан соғлом, маънан етуқ, интеллектуал ривожланган ва ижтимоий масъулиятли шахс сифатида тарбиялашнинг энг самарали йўлидир. Бундай ёшлар жамиятнинг таянчи, давлатнинг келажаги ва инсониятнинг умиди бўлиб хизмат қиласи.

#### **Adabiyotlar ro'yhati:**

1. Karimov I.A.Yuksak ma'naviyat – yengimas kuch.-T.: "Ma'naviyat", 2008.
2. Sadriddin Salim Buxoriy. Tabarruk ziiyoratgohlar.T.: "Yozuvchi", 1993.
3. Хошимов С.А., Расулов Б.Р., Ҳакимов А.А. Манбашунослик. Ўқув қўлланма, Тошкент, 2014.
4. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Toshkent. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2005.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Фан, 2019.
6. Sh.M.Mirziyoyev Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To'ldirilgan ikkinchi nashri. - Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2022.